

буйруғингизни (амалга ошириш учун олдингизга) юборди. Нимани истасангиз, шу. Агар уларнинг устига «Икки Ахшаб»ни* тўнтариб ташлашимни истасанг(шундай қиламан)», деди.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Балки, Аллоҳ уларнинг пуштикамаридан ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган, У Зотга ҳеч нарсани шерик қилмайдиган кишиларни чиқаришини умид қиламан»**, дебдилар».

Муттафақун алайҳ.

* Қарнус-саъолиб – Макка-Тоиф йўлидаги Маккага яқин жой.

* Икки Ахшаб – Маккаи Мукаррамадаги икки катта тоғ. Улардан бирининг номи Абу Қубайс бўлиб, Каъбанинг шарқ томонида, иккинчиси – Қуъайқоъ тоғи эса унинг ғарбида жойлашган. Уларнинг баландлиги 420 ва 230 метрни ташкил қилади.